

Ishonch

2020 йил 18 февраль • сешанба • № 25 (4310)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МИННАТДОРЛИК

Хитой халқига ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирилди

Хитой халқига билдирилган ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўлади. Унда шундай дейилади: «Муҳтарам Президент Жаҳонбар!»

Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши олиб борилган кураши муносабати билан йўллаган ҳамдардликнинг учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Қаерда қулфат юз берса, ҳар томондан ёрдамга шошиладилар, деганларидек, дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон Хитой ҳукумати ва халқи билан ҳамдард эканини билдирди ва турли кўринишда қўллаб-қувватлади. Бу бизга нисбатан дўстлик муносабатларини тўлиқ намояндалариди.

Хитой эпидемияни бартараф қилиш ҳамда назоратга олиш борасида муваффақиятга эришишига ишончи қомил ва бунга қодир. Шунингдек, бутун дунёда соғлиқни сақлаш ишига ҳисса қўшиш йўлида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдам ҳамда Сиз билан бундан кейин ҳам яқин мулоқотни давом эттиришга тайёрман.

Сизга мустақам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса раванқ ва фаровонлик тилайман.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин.

ЎЗА

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль кўни тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йўғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

Илгўр хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турини қисқартириш, уларни бериш тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошқор механизми ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибига махсус Ишчи гуруҳ тузилган.

Йўғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мажмур Ишчи гуруҳ ишини ташкил этишдаги асосий йўналишларни белгилаб берди.

Аввало, инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашдан чиқариб ташланиши лозимлиги таъкидланди. Масалан, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зиён етказма-да, лицензияланади.

Айни пайтда айрим лицензия шарт-

турлари билан шўғулланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш ёки ўзини-ўзи бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига икки ой мuddатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ва мuddатларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Адлия вазирлигига бир ой мuddатда лицензия ва рухсатнома бериш мuddатлари ва тўловларини ўрганиб чиқиб, уларнинг шартларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқ берилди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомиди сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризаси қайтарилди.

Йўғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий технологияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ханузгача қоғоз шаклида берилмоқда. «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай, бугунги кунда бу портал деярли фаолият

юритмаяпти. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ лицензия «бир дарча» тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига жорий йил 1 августга қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараёнларнинг тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лицензия талабларига риоя этишни мониторинг қилишнинг янги, ошқор тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этди. Масалан, ёнғин назорати органлари ёнғинга қарши воситаларни ўрнатувчилар фаолиятини назорат қилиши керак бўлса-да, бундай назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Илгўр хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада коррупция ва турли суистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш талаб этилади.

Йўғилишда мутасаддилар олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳар бир тармоқ кесимида қайси лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш мумкинлиги тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг тақдирига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Анқара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йўғилиши бўлиб ўтади. Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўғилишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

ЎЗА

Ифтихор

Кумушхонга «олтин»лар ярашади

Оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда.



Баҳсларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўлими спортчиси Кумушхон Файзуллаева терма жамоа учун навбатдаги медалларни тақдим этди. 64 килограмм вазн тоифасида даст кўтаришда биринчи уринишдаёқ 92 кг. натижа кўрсатиб, олтин медал соҳибасига айланди. Силтаб кўтаришда эса 115 кг. тошни ўзига

бўйсундириб, барча рақибларидан устун эканини яна бир бор намойиш этди. Эътиборлиси, бу ғалаба Кумушхон Файзуллаевани Токио Олимпиадаси рейтингига янада юқори поғонага кўтарилишига имкон берди. У айни пайтда ушбу вазн тоифасида Олимпиада рейтингининг 16-поғонасида турибди.

Муқаддас РАЗОҚОВА, «ISHONCH»

Жиззах вилояти

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи навбатдаги фаолиятини Пахтакор туманида олиб борди.



Ишчи гуруҳи фаолияти

Эҳтиёжманд аёллар муаммолари ҳал этилмоқда

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси раиси бошчилигида Республика маҳаллалар кенгаши ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси ходимларидан иборат ишчи гуруҳи уч кун давомиди тумандаги 14 маҳаллада 380 дан зиёд хонадондаги хотин-қизлар билан мулоқот ўтказиб, уларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқди. 72 мингга яқин аҳоли яшайдиган ту-

мандан 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига 3 минг 482 та турли мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг қарийб 50 фоизга яқини аёллар ҳиссасига тўғри келади.

Ишчи гуруҳи ўрганиши давомида хотин-қизлар томонидан билдирилган муаммоларнинг 23,7 фоизи уй-жой билан таъминлаш ва мавжуд уй-жойини

таъмирлаш, 7,7 фоизи саломатлигини тиклаш, 45,5 фоизи моддий ёрдамга мутожлиги, 8,5 фоизи иш билан таъминлаш, 1,6 фоизи тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратиш, 1,2 фоизи коммунал соҳа, 15 фоиздан ортиги оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг нотинчлиги, таълим ва бошқа йўғилишларга оид экани аниқланди.

2 >

Келгуси сонларда ўқинг... >>>



Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги элчихонаси мажлислар залида Президент Шавкат Мирзиёевга «Ала-Тоо Айимдари» («Ола-Тоу хонимлари») экологик ҳаракати томонидан «2019 йил одами» унвонининг берилиши муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

mfa.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон буйича Махсус вакили Исмаилов Эргашев Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳамид Найирободий билан учрашди.

uza.uz

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Дилшод Ахатов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кан Чжэ Квон билан учрашди.

uza.uz



Иновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов «Сколково» жамғармаси Минтақавий ривожланиш ва МДХ билан ўзаро ҳамкорлик бўйича вице-президенти Александр Окунев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

uza.uz

Эҳтиёжманд аёллар муаммолари ҳал этилмоқда



Ушбу суратлари.

ломатлигида жиддий муаммо бор. Шу сабаб, ҳатто, ўзлари яшаб турган уйнинг нураган қисмини ямаш, суваш ва енгил таъмирлашга қодир эмас. Саломатлик туфайли улар ўзлари учун муносиб иш ҳам тополмапти. Бу эса оиланинг ижтимоий, иқтисодий ҳолатини янада оғирлаштирмоқда. Бундай таъмирталаб, маиший шароитлари яратилмаган уйда яшаш касаллиқни бартараф этишда ҳам қийинчилик туғдираётган бўлса ажаб эмас. Ҳозирда мазкур оилага уй-жой қуриш учун 3 сотих ер майдони ажратиб берилгани рост. Аммо амалий ёрдам кўрсатилмаса, оиланинг уй-жойни қуриб, барча шароитларга эга бошпанага эга бўлиши орзулигича қолиб кетади.

Феруза Шунқорова ҳам ҳаётнинг кўп машаққатларини бошидан кечирган. Турмушдан ажралгани сабаб ҳозирда 10 ёшли ўғли билан

«Тошкент» МФЙ Новқа кўчасидаги 15-уйнинг 2-хонадониди ота-онаси уйда яшайди. Саломатлигида жиддий муаммо сабаб мунтазам даво-ланиши лозим бўлса-да, имкони-яти етарли эмас. Боз устига, етарли шарт-шароит бўлмаган икки хонали мазкур уйда ота-онасини ҳисобла-ганда 3 оиланинг 7 нафар аъзоси исти-қомат қилади.

Ўрганишлар давомиди шу каби кўплаб оилаларнинг муаммолари қайд этилди.

Жиззах вилояти ҳокимлигида ўр-ганишлар якунига бағишланган йиғи-лишда ишчи гуруҳ раҳбари, Ўзбекис-тон касаба уюшмалари Федерацияси

раиси Қудратилла Рафиқов маъруза қилди.

Учрашувларда хотин-қизларни тинглашга, улар кўтарётган масала-ларни ҳал этишга асосий эътибор қар-ратилди. Мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш усту-вор вазифа бўлиши қайд этилди.

Шу кун Ишчи гуруҳ тавсияси бил-лан ижтимоий кўмакка муҳтож хо-тин-қизларга Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси томонидан мод-дий-маънавий кўмак кўрсатилди.

Жумладан, 15 нафар кўмакка муҳтож аёлга 34,5 миллион сўмлик моддий ёрдам, 6 нафарига замонавий тикув

машинаси, 7 нафарига фарзандлари саломатлигини тиклаш учун санато-рийга бепул йўлланма берилди.

Шунингдек, туманга иккита тур-рар-жой биноси қурилиши учун 6 миллиард сўмлик, ер ости сизот сув-ларини чиқариб кетиш ишлари учун 3 миллиард сўмлик сертификатлар топ-ширилди.

Ўрганишлар натижасида аниқлан-ган 362 та муаммони ечиш учун «Йўл харитаси» ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда Олий Мажлис Се-нати раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

41

...Муқаддас Аҳмедова биринчи гу-руҳ ногирони. Айни пайтда қизи билан Пахтакор туманидаги «Оқбулок» ҚФЙ Алпомиш кўчаси, 13-уйда яшовчи Дилбар Жозилованинг қарамоғида яшайди. Боиси, ўз яшаш жойига эга эмас. Таянч-ҳаракат аъзоларидаги му-аммо сабабли 10 йилдирки, тўшаққа «михланган». Мустақил ҳаракатлана олмагани учун мунтазам давола-нишга, ўзгалар парвариши ва кўма-гига муҳтож. Бу вазифани 2002 йилда туғилган қизи бажармоқда. Аммо у онасининг парвариши билан машғул бўлгани учун доимий иш жойи бил-ан таъминланмаган. Қора қозон эса маҳалладан берилмаётган моддий ёр-дам пулига аранг қайнамоқда.

Матлуба Маллабоева туман-даги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини, Сўғдиёна кўчаси, 5-уйнинг 11-хонадониди яшайди. Оиладаги аҳволни ўрганар экансиз, оддий турмуш шароити ҳам яратилма-ганига гувоҳ бўласиз. Омонатгина тикланган уйнинг тобора нураб бо-раётган деворлари, ҳақиқатда хо-надон аъзоларининг оғир турмуш шароитида яшаётганидан дало-лат. Мазкур оилада 6 нафар киши яшаса-да, уларнинг 4 нафарида са-



Наманган вилояти

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Наманган давлат университети ҳамда Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун тарғиботи бағишланган семинарлар ўтказди.

Янги қонун моҳияти

Уларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова ҳамда юридик бўлими юрискон-сульти Наргиза Асадова қатнашди. Семинарларда янги қонун ҳодимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиши янада кучайти-риши, ишчи-ҳодимлар касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, касаба уюшмаларини ту-зиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги му-носбатларни тартибга солишга кўмаклашиши қайд этилди ва шу асосда белгилаб олинган янги режаларга эътибор қар-ратилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Тарғибот

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилот-лари бирлашмасида ўтказилган навбатдаги тарғибот тадбирида ав-валги мўлоқотлардан фарқли равишда, кас-абқўм етакчиларидан кўра, иш берувчилар ва-киллари кўп бўлди.

Кейинги пайтда турли ташкилот ва идо-раларда ҳодимлар-нинг меҳнат билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларини топташ ҳолатлари кўзга ташлан-моқдаки, юзга келаётган аксар эътирозли ва низоли вазиятларга иш берувчилар-нинг меҳнат қонунчилиги, касаба уюшмалари фаоли-

«Диққат, иш берувчилар, гап бундай...»

ятига доир тартиб-таомил-ларни билмаслиги, баъзан эса жамоа шартномаларини назарга илмаслиги сабаб бўлаётир. Хабарингиз бор, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга кўплаб жиддий ўз-гартишлар киритилди, кас-аба уюшмаларига қатор ваколатлар берилди. Де-макки, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя-си борасида касабқўм раи-сининг «қўли» энди янаям «узун» бўлади. Ҳужжат ижроси бекам-у кўст рўёбга

чиқиши учун эса янги қонун билан тартибга солинадиган муносбатларни ҳодимлар вакили ҳам, иш берувчи ҳам яхши билиши шарт. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-рацияси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова, юридик бўлим етакчи юрисконсулти Наргиза Асадова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси раиси ўринбо-сари Ҳамидулло Матиса-евлар ижтимоий шериклик

муносабатлари, жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижти-моий-иқтисодий манфаат-лари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, касаба уюшма инспекция-ларини тузишнинг аҳамияти хусусида фикр ва мўлоҳаза-ларини билдирдилар. Савол-жавоб ва муно-зараларга кўпчилиқни ки-зиқтираётган жиҳатларга ойдинлик киритилди.

Нурилло НЎЪМОМОВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти



Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Усмон Каримов хонамга тушкун кайфиятда кириб келди. Ай-тишича, жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида қурилиш билан боғлиқ икки ҳолатда кўнгилсиз воқеа юз берибди.

— Афсус, мусибатда қолган оилаларга ёрдам беришга ожизмиз, — деди Усмон ака. — «Касаба уюш-масиданмиз» деган гапни эшитиши билан аксар қурилиш ташкилотлари мутасаддиларининг лабларига учуқ тошади. Маблағ, пул ҳаммага керак, аммо инсон саломатлиги-чи? Самарқандда кўзингизга боғич боғлаб, ўн қадам юрсангиз, янги-дан барпо этилаётган иншоотга рў-барў бўласиз. Шаҳарнинг биргина

Қурувчи манфаати кимнинг ҳимоясида?

ассасасининг учдан икки қисми қар-ийб икки ойда барпо этилган. «Кўз очиб юмгунча-я» дея беихтиёр ёқа ушлайсиз. Қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Исмомиддин Бобоев «Malaxit Pulus» МЧЖнинг 30 нафар қурувчисига бош экан. — Анча йилдан буён ушбу корхона қурувчилари сафида меҳнат қилиб келяпман, — дейди асли Қорақал-поғистон Республикаси Эликқалъа туманидан бўлган Қосимбой Алла-мов. — Ҳозир ойига 2 миллион сўм пул тўлашяпти. Ёз ойларида уч мил-лион сўмгача маош олишимиз мум-кин, ишга ва мавсумга қараб... — Мусофир экансиз, етиш-туриш, иссиқ-овқат масалалари қандай ҳал этилган, — деймиз унга. — Ҳозирча шу бинонинг иккита хонасида ҳамкасблар билан жой қи-

доий «қулбалар» антиқа, гаройиб. Салафан эшик, салафан девор, қўл-бола иситиш ва ёритиш мослама-лари. 30 нафар қурувчи полиз бо-шидаги чайлага ўхшаш кувала ясаб олган. Ошхона ҳам ажабтовур. Хон-тахтага ўхшаш қўлбола столнинг икки ёнига узун тахта қўйилган. Тиз-зага иякни тираб, қорин тўйгазасиз. — Энг муҳими, иш ва маош бор, — дейди Қашқадарё вилояти Китоб туманидан келган Жаҳонгир Шай-монов. — Бу ташкилотдан кўнглимиз қолмаган. Қўлимизни қуруқ қўй-майди. Шароитга келсак, меҳмон-хонада ёки ижарада туриб бу пулга ишлаб бўлмайди. Топган пулимизни бузмай-катмай уйга бола-чақага ет-казиш ҳаркатида бўламиз. — Тонг отгандан кун ботгунча ишлар экансиз. Шунча ишлаганга

яраша мукофот, рағбат ҳам бордир, — дея ўсмоқчилаймиз қурувчиларга. — Анча-мунча қурилиш ташки-лотларида ишлаб кўрдик, — дейди яна бир китоблик қурувчи Қаҳра-мон Зокиров. — Қурувчининг тақ-дирланганини кўрмаганмиз. Доим келишув асосида ишлаймиз. Аммо ҳали ҳеч ким мана бу маблағ сенга

Долзарб мавзу

бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Сирожиддин Иззатуллаев. — Касаба уюшмалари аъзолигини қа-бул қилган ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қуриляпти. Улар қонунларда белги-ланган имтиёз ва кафолатлардан тў-лиқ фойдаланиб келмоқда. Бироқ, аксарият қурилиш ташкилотлари касаба уюшмалари билан ҳамкор-лик қилишдан ўзларини олиб қоч-ишга уринишади. Чунки жамоат-чилик назоратининг бosh мақсади инсон ва унинг муносиб меҳнатига қаратилган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг аксар-ияти ана шундай назорат йўқ таш-килотларда бўлмоқда. Биз ҳеч қачон меҳнаткашларни «Malaxit Pulus» таш-килотидеги шароитда яшаш ва иш-лашларига йўл қўймаган бўлар-дик. Номуносиб меҳнат шароитига қурувчи қанча дош беради. Бугун у соғлом-бақувват, унча-мунча қий-инчиликни писанд қилмас. Эрта-га-чи? Қурилиш тизими мутасадди-лари масаланинг ана шу томонла-рига ҳам эътибор берса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кўнгилсизликлар-дан ҳулоса чиқариш фурсати келма-димикин? Нурилло ШАМСИЕВ,
«Ishonch»

Молия муассасарида

Режалаштирилган иш амалда кимларгадир наф келтирса, жамият ривожига ҳисса қўшса, яъни ижтимоий аҳамият касб этса, бу барча учун фойдали бўлади. Шу маънода, сўнги вақтларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мижозлар ҳамда аҳоли манфаатини ўйлаб жорий этилаётган янги хизмат турларининг тобора оммалашиб бораётгани диққатга сазовор.



ОДДИЙ, АММО КУНДАЛИК ЭХТИЁЖЛАР УЧУН НИХОЯТДА ЗАРУР

Зеро, банк томонидан амалиётга жорий этилаётган ҳар бир янги хизмат аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, у оддий, лекин кундалик эҳтиёжлар учун ниҳоятда зарур. Айтайлик, сиз замонавий маиший техника харид қилмоқчи-

кам-кўстини тўлдириб оласиз, ҳам маиший техника сотиб олиш учун узоқ муддат пул жамғариб юрмайсиз. Олинган қарзни бўлиб-бўлиб қайтарасиз. Бунда ҳам сарфланмаган маблағ учун ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

Банкнинг «Кредит карта» хизматидан фойдаланувчиларга ҳам бир қатор қўлайликлар тақдим этилмоқда. Хусусан, мазкур карта эгалари банк томонидан белгиланган кредит лимит (**10 миллион сўм**) доирасидаги маблағлардан имтиёзли давр (**30 кун**)да фоизсиз



Реклама ҳуқуқида



УЙ, АВТОМОБИЛЬ ёки ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА керакми?

Бунда сизга Халқ банкининг янги хизматлари қўл келади

сиз, танишингиз тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи, яна кимингиздир узоқ йиллардан буён машина ёхуд уй сотиб олишини ният қилиб юрибди-ю, маблағдан қийналиб турибди. Халқ банкининг янги хизматлари худди шундай вазиятларда ёрдам беради, дея бемалол айта оламиз. Чунки улар, юқорида таъкидлаганимиздек, барча учун қўлай шартларда тақдим этилади.

фойдаланади. Имтиёзли даврда кредит суммаси тўлиқ қайтарилмаган тақдирда, кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 36 фоиз миқдорда фоиз ундирилади. Кредит карта



Масалан, «Пенсия овердрафт картаси» хизматини олайлик. Ушбу карта пенсия олувчининг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очиб берилди ва унинг эгаси зарурат бўлганда, навбатдаги пенсияси келгунча банкнинг «овердрафт» кредитидан фойдаланган ҳолда пенсиясининг 50 фоизи миқдорда пул олиб туриши мумкин. Кредит 12 ой муддатга, ойига 1,6 фоиз миқдорда устама билан тақдим этилади. Эътиборлиси, фоиз ишлатилган сума учун тўланади, холос. Яъни, агар, сизнинг пенсиянгиз бир миллион сўм ва ушбу хизмат ёрдамида 500 минг сўм кредит олгансиз. Бироқ унинг 250 минг сўмини сарфлагансиз. Шунда сиз фақат 250 минг сўм учун устама тўлайсиз. Қолган маблағ пластик картангизда тураверади.

5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилди. Бу қўтилмаган харажатлар учун, айниқса, жуда асқотади. Ойлик маошни кутиб ўтирмайсиз. Маблағни бир ой давомида қайтарсангиз, фоиз тўламайсиз. Мухими, оилада молиявий тақчиллик сезилмайди.

Жисмоний шахслар учун очик кредит линияси. Бу кредит линияси мижозга 3 йилга «Револьвер» тартибда 2 йил имтиёзли давр билан ажратилади. Мазкур кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача ажратилади. Йиллик 36 фоиз. Кредитнинг афзаллиги шундаки, 3 йил давомида кредит тўлиқ (ёки қисман) қайтарилган тақдирда, ундан яна фойдаланиш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фоиз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан уч йил давомида бемалол фойдалана оласиз.

ОРЗУНГИЗ УШАЛИШИГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

«Trade-In» автокредити. Бу автомобилга қизиқувчилар учун жуда яхши янгилик. «Ўзавтосаноат» АЖнинг расмий дилерларига эски машиналарни янгисига алмаштириш имконияти яратилганидан хабарингиз бор. Аммо сизда орадаги фарқни тўлашга маблағ етмапти. Худди шу вазиятда мазкур автокредит ёрдамга келади. Гап шундаки, эски

УЗОҚ МУДДАТ ПУЛ ЖАМҒАРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

«Режали тўлов кобрендинг картаси» эса эгасига банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида ҳамкор ташкилотлардан истеъмол товарлари сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Мухим томони, қарз маблағлари банкка фоизсиз, тўлов графигига асосан тўлаб борилади. Қарз мижозининг иш ҳақидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача 1 йил муддатга берилди. Бу орқали ҳам рўзгор



автомобиль техник кўриқдан ўтказилиб баҳоланган, «Trade-In» автокредити ёрдамида янги автомобиль нархи ўртасидаги фарқ бўйича шартнома тузилади ва банкда автокредит расмийлаштирилади. Орадаги фарқ суммаси банк томонидан «Trade-In» марказига ўтказилади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда сиздан бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Мазкур кредит 12, 24 ва 36 ойга берилди ва фоиз миқдори мос равишда 28, 29 ва 30 фоизни ташкил қилади. Гаровга янги автомобилнинг ўзи қўйилади. Автокредитни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам жуда кам. Мижоз ва унинг паспорти, «Trade-In» маркази ўртасида тузилган шартнома ҳамда кафилилик, холос. Қарабасизки, янги автомобил соҳибисиз. Мазкур хизмат тўғрисида бир қанча ноқўлайликларнинг олди олинади. Аввало, сизнинг янги автомобиль сотиб олиш орзунгиз ушалади. Эски автомобилни сотиш учун овора бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмийчиликлардан холи амалга оширасиз.

«Expat Home» ипотека кредити. Халқ банки нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ишлаётган фуқароларимизга ҳам қўлайлик яратишга интилоқда. «Expat Home» ипотека кредити шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Яъни ушбу хизмат ёрдамида фуқаро хорижда ишлаб туриб ҳам мамлакатимиздан кредитга уй-жой сотиб олиши мумкин. Мазкур ипотека кредитидан доимий даромад манбаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролари фойдаланиш имкониятига эга. Бунинг учун банкка мижознинг ўзи ёки қонунда белгиланган тартибда ишончнома берилган вакили мурожаат этиши лозим.

Ипотека кредити қайтаришлили, тўловлили, таъминланганлик ва муддатлили шартларида яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги хонадонни бирламчи бозордан сотиб олиш мақсадида берилди. Асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш миллий валютада амалга оширилади. Фақат мижоз сотиб олиннадиган уй-жой ёки кўп квартиралли уйдаги квартира қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон асосий орзуларидан бири уй қуриш, тўй қилиш,

машина олиш. Бу каби орзулар хорижда ишлашга кетаётган минглаб, балки миллионлаб юртдошларимизда ҳам бор. Улар хорижда ишлаб топган пулларини уйга юборишади, оила аъзолари эса ўша пулларни йиғишни бошлайди. Лекин «рўзгор – фор» деганларидай, у пуллар кўпинча сарфланиб кетади. Не-не умидлар билан ишлаб, қайтиб келган оила бошлиғи қарасаки, пуллар йўқ ёки чўғи ўчган. Бунақа ҳолат ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. Халқ банки таклиф этаётган «Expat Home» ипотека кредити эса аини шундай ҳолатларнинг олдини олиши билан аҳамиятлидир.

Айтиб ўтганимиздек, кўчмас мулк ёки автомобил харид қилиш учун хорижда ишлаётган юртдошларимиз оз эмас. Аммо уларда ҳар доим ҳам имконият бўлмадлиги мумкин. Яъни кимда-



дир Ўзбекистонга келиб-кетишнинг иложи йўқ, Яна кимдадир эса етарлича маблағ. «Халқ банки» томонидан тақдим этилаётган «Expat Car» автокредитлари бунда жуда қўл келади. Бу орқали хорижда ишлаётган фуқароларимиз ўша ернинг ўзидан туриб кредитга машина сотиб олиши мумкин. Яъни энди хорижда ишлаб, пул йиғиб, узоқ муддат кутингиз шарт эмас. Ҳам ишонгизни давом эттириш, ҳам машинали бўлиш имкониятига эгасиз.

Автомашина сотиб олиш учун кредит қуйидаги шартларда берилди: кредит муддати 36 ой, имтиёзли даври 1 ой ҳамда бошлангич тўлови умумий сумманинг 35 фоизини ташкил қилади.

ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Ўзбекистоннинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига нақд пулни қандай юборишди? Топдингиз. Албатта, таниш ёки нотаниш киракашлар орқали «почта» қилинади! Аммо бу ҳар доим ҳам ишончли ва тўғри қарор эмас. Жўнатил-

ган пул «қачон етиб бораркан», деган хавотирларга Халқ банкининг «UzPay» тизими чек қўядиган бўлди. Энди банкнинг барча филиалларида мамлакатимиз бўйлаб «UzPay» тизими орқали миллий валютадаги пул маблағларини жўнатиш ва қабул қилиб олиш имконияти жорий этилди. Ушбу тизим орқали Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан иккинчи жойга пул юборишингиз мумкин. Пул ўтказмасининг энг кам миқдори 10 минг сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

ТИЗИМНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ НИМАДА?

Биринчидан, ишончли. Ўртада пуллар йўқолиб қолмайди. Турли хавотирлар ўринсиз. Иккинчидан, тезкорлик. Яъни қаердан юборсангиз, бир зумда олувчига етиб боради. Ушбу ўтказма нақд ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Барча ўтказмалар учун 1 фоиз хизмат ҳақи олинади. Мижоз ушбу ўтказма орқали банкнинг исталган филиалидан маблағларни жўнатиши ҳамда исталган филиалидан олиши мумкин.

Банкоматдан картани тўлдир. Одатда, пластик картадан нақд пул ечиб оламиз. Лекин сизда ортиқча нақд пул бор. Уни, аксинча, пластик картага ўтказиб қўймоқчисиз. Хўш, шунда нима қиласиз? Бирор бир банкка борасизми ёки бошқа йўли борми? Қисқаси, қўлингиздаги нақд пулнинг пластик картада

бўлишини хоҳлаясизми, бунинг ҳам имкони бор. Халқ банкининг «Cash-in» банкматлари орқали Халқ банки карта ҳисобрақамини тўлдиршингиз мумкин. Бунинг учун картани «Cash-in» банкматига жойлаб, «картани тўлдир» тугмасини босиб, картага кирим қилишни керак бўлган суммани банкматга киритсангиз, кифоя. Бир зумда истагингиз ижобат бўлади.

Қисқаси, бугун Халқ банки мана шундай оддий, лекин замонавий ва талабгир хизматлари билан халқ орасига чуқур кириб борапти. Бу – давр талаби. Чунки ҳозир рақобат даври. Мижозлар ва одамлар эҳтиёжи билан ҳисоблашиб фаолият юритиш эса рақобатда ютиб чиқишнинг энг устувор вазифасидир.

Юнус БҲРОНОВ, Халқ банки Ахборот хизмати раҳбари

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Холқўзиев Бойқўзи номига Янгийўл шаҳар, «Янги ҳаёт» кўчасидаги 5-уй олдида жойлашган дўкон биноси учун 15.12.2012 йилда берилган 11-22.01.02.05-1102 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Наммаева Лобар Азизовна номига Янгийўл шаҳар, «Янги ҳаёт» кўчасидаги 5-уй, 14-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.


«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ташкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан Чилонзор тумани, Чилонзор 2 маҳалlesi, 72-уй, 7-хонадон учун берилган Ниезметов Хамдам Султонбоевичга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улғубек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсул котиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК, (Маъсул котиб - «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бўғор вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов Мусакхиллар: С. Шодиева, З. Холмухаммедова, Д. Орипов Саҳифачовчи: Ҳ. Абдужалилов

ЎзА яқуни – 23:30 Топширилди – 00:10

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 217. 30688 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharg» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. КОРХОНА МАНИЛИ: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнбод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Енгинга қарши кураш жамияти Фарғона вилояти Учқўриқ тумани бўлимига тегишли, Учқўриқ тумани, Учқўриқ шаҳарчаси, Х.Олимов кўчасида жойлашган, умумий қийматлиги 364.52 кв.м. (0001-маъмурий бино, давраси 0009-асфальт майдондан иборат бино ва ишоот-ландириш бир қисми қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 43 435 762 сўм.

II. Аукцион савдосига «BAG'DOD PAKHTA TOZALASH» АЖнинг 14.02.2020 йил кунги 01/29-сонли буюртма халитаси асосан, жамияти қаршили Олтириқ тумани, «Шодиева» МФЙ Табассум кўчасида жойлашган «Файзобод пахта таянчлари маскани» бино ва ишоотларининг бир қисми қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Режа бўйича: 0013 литегдаги молхона биноси, 0008 литегдаги яшаш уйи ва девор (70 п/м) бир қисми.

Бошлангич баҳоси – 39 615 000 сўм.

2-ЛОТ. Режа бўйича: 0017-литегдаги дам олиш биноси, девор (166 п/м) бир қисми.

Бошлангич баҳоси – 13 156 000 сўм.

Аукцион савдосига 2020 йилнинг 23 март кунги соат 10:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушилик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2020 йил 20 март, соат 16:00.

Савдо қилинган аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиқ шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар объект бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишу шартномасига асосан ўтказишлари шарт. Х/р. 2020 8000 5004 3360 1001. МФО. 00445. Банк: «Капитал банк» А/нинг Тошкент шаҳар филиали. СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирин Темур кўчаси, 45-уй, 3-қavat. Телефон: (99895)402 54 75. www.emilk.uz, best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.